

қолиши ҳам ўша раҳматдандир».

Шарҳ: Демак, ҳар қандай ваҳший ҳайвон ҳам раҳмли бўлади. Масалан, от ҳатто чопиб кетаётганида ҳам боласи оёғининг тагидан чиқиб қолса, ҳар қандай қийин ҳолатда ҳам уни босиб олмасликка ҳаракат қилади. Бошқа ҳайвонлар ҳам шундай.

Демак, бутун халойиқ – инсонлар ҳам, ҳайвонлар ҳам Аллоҳ таоло нозил қилган юздан бир бўлак раҳмат туфайли бир-бирларига раҳм қилар экан.

Албатта, одам болалари бир-бирларига раҳм қилишда ўрнатилган бўлишлари лозим. Айниқса ота-оналар фарзандларига раҳмли бўлишлари керак. Ҳайвонлар болаларига раҳмли бўлганда, инсонлар фарзандларига раҳмсиз бўлиши ақл бовар қилмайдиган ҳолдир.

Бу ердаги нозик бир нуқта шуки, раҳматнинг тўқсон тўққиз бўлаги Аллоҳ таолонинг ҳузурида қолган. Аллоҳ таолонинг раҳматининг чеки йўқ. Бандаларнинг умидвор бўлиши ҳам шундандир. Аллоҳ таолонинг раҳмати бўлмаса, ҳозирги кунда содир бўлаётган гуноҳларимиз, нобакорликларимиз учун, Аллоҳ азза ва жаллага нисбатан бўлаётган беодобликлар учун муносиб жазо берилса, аллақачон ҳаммани ер ютиб кетган бўлиши керак эди.

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Аллоҳ таоло раҳматни юз бўлакка бўлгани.
2. Раҳматнинг тўқсон тўққиз бўлаги Аллоҳ таолода экани.
3. Раҳматнинг бир бўлаги махлуқотларда экани.
4. Ҳайвонларнинг боласига раҳм кўрсатиши ҳам Аллоҳ таоло берган раҳматдан экани.

хулоса

Албатта, ота-онанинг фарзандига нисбатан ўзини тутиш маданиятига оид юқоридаги бобларда келган ривоятларда ўрганилган таълимотлар динимизнинг бу борадаги мукамал кўрсатмаларидан баъзи намуналар, холос.

Аммо шу намуналар ҳам олам-олам маъноларни ўзида мужассам қилганига ўзимиз шоҳид бўлдик. Мусулмон уммати шонли тарихи давомида

динимизнинг бошқа таълимотлари қатори, бу борадаги таълимотларни ҳам ихлос билан ҳаётига татбиқ қилиб келгани ҳаммага маълум.

Бугунги кунимизда ҳам мусулмонлар бу борада бошқаларга ўрнак бўлиб келаётганига шубҳа йўқ. Шу билан бирга, нуқсон ва хатолар ҳам йўқ эмас. Баъзи ҳолатларда боланинг моддий тарбиясига эътиборни кўпроқ бериб, маънавий тарбия оқсаб қолаётгани ҳам сир эмас.

Албатта, бу борадаги хато ва камчиликларимиз диндан умумий узоқлашиш оқибатида пайдо бўлган, десак бўлаверади. Динимизни ўрганиш жараёнида бола тарбияси масаласига, улар билан олиб бориладиган алоқа маданиятига, шунингдек, бола ўрнига ўтадиган шахсларга оид масалаларга ҳам алоҳида эътибор бериб, бу ишни ҳам ўз ўрнига қўйишимиз керак.

«Одоблар хазинаси» китобидан